

ВАФО ФАЙЗУЛЛОҲ

# ЖОН ЙЎЛИ



*шеърлар*

Тошкент  
"Муҳаррир" нашриёти  
2008

*Жон йўли. У қандай йўл бўлди? Қайдан бошланиб, қайда тугайди? Белгилари қанақа? Бир қараганда, ҳаммаси маълумдай. Аслида-чи? Ҳар бир инсон уни ўзича кечиши, толган ва йўқотганларини ўзича англаб, қувончу изтироб ҳисси билан яшаши керак. Шундагина ҳақиқат жонланади, Ҳақнинг устиворлиги маълум бўлади.*

*Қадрли шеърхон! Истеъодли шоир Вафо Файзуллоҳнинг янги тўплами "Жон йўли"да ҳам айти шу ҳолатлар, манзаралар билан учрашмоқ мумкин. У сизга камтарин бир тарзда қадрдон, ҳамдард бўлади, деган умиддамиз.*

*Муҳаррир:*

**Акрам Деҳқон**

*Расом:*

**Абдуғани Жума**

ISBN 978-9943-354-23-4

© Вафо Файзуллоҳ,  
© "Муҳаррир" нашриёти,  
Тошкент, 2008 йил.

*Маъсум ўғлим Дилшод,  
охиратинг обод бўлсин.*

## ВАТАН

Омон қолганлар уйғоқ,  
Фидо булганлар тупроқ.  
Ҳайқирар тилсиз Широқ:  
Ватан ҳаммамизники!

Беруний кетди Райга,  
Румий эврилди найга.  
Машраб етганча қайга  
Ватан ҳаммамизники!

Ризқ берди тўкис Раззоқ,  
Руҳга муқаддас озиқ.  
Манглайда мангу ёзиқ—  
Ватан ҳаммамизники!

Нажот беради жонга,  
Қанот беради қонга,  
Қўналғадир иймонга,  
Ватан ҳаммамизники!

Босиб келди Искандар,  
Фақат бўлди дарбадар.  
Ватанлилар музаффар  
Ватан ҳаммамизники!

Бу дала-дашт, қир, саҳро,  
Тоғларга чиққан дарё,  
Деманг меники якто...  
Ватан ҳаммамизники!  
Ватан ҳаммамизники!

## ВАТАН УНУТМАЙДИ

Кўнгил озод бўлса, ҳур бўлса гули,  
Ҳақ деб дорга чопса ҳақгўй булбули,  
Шафақлардан ошгай тонготар йўли,  
Изни соғинади қақшаб сўқмоғи  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Жаҳл қиёматлар йўлласа жонга,  
Кимдир ўзлигини алмашса нонга.  
Шаксиз содиқ қолган нури иймонга  
Барин ёритгайдир Адл чақмоғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Юртнинг нафасида энг хушбўй ифор,  
Юртнинг даласида энг гўзал баҳор.  
Қулга на-да диёр, минг бир беҳишт хор,  
Оламлардан келар нола, ингроғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Макр, ҳийлалардан ханжар едингиз,  
Қувғин, қафасларда озод эдингиз.  
Фақат эркинликда ҳаёт, дедингиз.  
Замин остида ҳам ёниқ чироғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Ишқнинг ўрнини ҳеч ололмас ишва,  
Покнинг ўрнини ҳеч ололмас ришва.  
Ҳар не мўъжиза жам Ёрни севишда.  
Ишқ-ла олтин бўлган олтин тупроғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Нафснинг ўрмонида нокас адашди,  
Тўкин яшаш учун ўрин талашди.  
Ахир мангумас-ку бу фано дашти,  
Бир кун йўқлагайдир Ҳақнинг сўроғи –  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Сўнгсиз дардингизни бўларми айтиб,  
Дилда лолаларни кетгансиз тақиб,  
Кўкда турналардек келдингиз қайтиб.  
Банддан узилмагай зангор япроғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Мустабидлар битсин! Уриб турган дўқ,  
Зулм музларида сўнди қанча чўғ,  
Мардлари орамизда, номардлари йўқ...  
Ё насиб сизга бўлсин кавсар булоғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

2001

## ЮРТИМ

Юртим, олтин далам, қирлари қумрим,  
Сунбул саҳролари кўз очган такрор.  
Иблис жодусига жизғанақ умри,  
Қуллик кишанида кўргани озор.  
Сенга баҳор келди, мангуга баҳор!  
Лолаларинг илди ғанимларга дор!

Устоз Ойбек бир вақт қилганди орзу:  
Ундиргани тилла хокисор тупроқ.  
Фақат соҳиб чиқди қайдаки този,  
Қонли кўз ёшлардан дард ёзди япроқ.  
Дехқон отам менинг бергани сўроқ,  
Умид-ла руҳи тирик мунисам қишлоқ.

Эсла ва унутма ғўзага каниз,  
Осмонингда оғу оққан чоғларни,  
Ой чеҳраси сиёҳ, кўкламлари куз  
Қиздай, севги кўрмай кетган боғларни.  
Мозийи ўлмаган Сўз, эй дўст, дала-туз!  
Энди ҳар бир кунинг бўлажак Наврўз!

Чунки ўзанларинг қайтди Ҳақ сари,  
Чўпонинг ёниб ўтган дала йўлида  
Дунё карвонлари келар сен сари,  
Дунё карвонлари ўнгу сўлида  
Ризкинг мавжланади, ҳавасда бари!  
Чунки ўзанларинг қайтди Ҳақ сари!

Чунки ҳис этмагай майса дилини  
Сўқмоғингда изи тушмаган малла,  
Ахир қайдан билсин ҳайрат йўлини  
Фақат қорни учун яшажак гала,  
Фақат сен биласан гуллар тилини,  
Юраги яшил ўтлоқ боғбон элим-ай!

Фақат бир илтимос: англа, англа боз  
Қонида минг асрлик қўзғалган шиддат.  
Ёзинг ўзингники, эркингадир соз,  
Қадами авлиёгоҳ, соддадил элат.  
Очиғи, журъат бўлсин энди сенга ёр,  
Баракаси осмон кенгликларга бор!

Юртим, олтин далам, қирлари қумрим,  
Сунбул саҳролари кўз очган такрор,  
Ҳурлик маъвосида саодат умри,  
Ҳурлик чўққисида кўнгли лолазор!  
Ҳар кунинг ҳайит бўлди, йўлинг нур бўлди  
Азалдан абадгача боланг ҳур бўлди!

1994



## МЕҲРИБОНИМ

Кўзимда шамоллар ўйнади,  
Дарёлар тўлиқиб оқдилар.  
Исмимга маккорлар бўйлади,  
Маъсумлар умидвор боқдилар.

Туманми, тутунми, чўлладим,  
Меҳрга ташна қалб бир менми?  
Сайъ этдим Қизбиби Сармушни,  
Саҳрога тўғрилаб кемамни...

Нолишни ташлайман бугундан!  
Теракнинг учида зағизфон,  
Адирнинг четида ўксинган,  
Қанотсиз, Ватансиз полапон.

Мен эмас, мен эмас ҳеч қачон!  
Ўқийман, излайман, битаман.  
Кўнглимга сизгамайди гўр армон,  
Мен жуда олисга етаман.

Олисга опичлаб етганим,  
Шуълага қорилган ҳаяжон.  
Мен сени севаман, Ватаним,  
Тоабад карамли, Меҳрибон...

08.03.2007



## САЙЁҲГА

Олис, муз юртидан келган эй сайёҳ!  
Мен ҳам диёрингга интилдим ногоҳ.  
Қорларингга қолиб баҳоринг суйдим.  
Тақдиримга маъсум дилдорим куйди.  
Ғариблиқда ғариб экан абрлар,  
Қуёшни соғинади чўккан қабрлар.  
Ҳалқумимга келди жону жаҳоним,  
“Юртимни кўриб ўлсам йўқдир армоним”, –  
Дея бир пайт мен ҳам бўлганман сайёҳ,  
Ўзганинг Ватанида нима бор, гумроҳ?

2006

## ОТА

Ота! Дардингизга даво бўлмадим,  
Ғарчи исмим Вафо, вафо бўлмадим.

Мендан нима хизмат қирқ йил ўстириб,  
Расо бўлгин дерсиз, расо бўлмадим.

Нафс деб югураман, минг бор синаман,  
Фидо ўзингиз-ку! Фидо бўлмадим.

Биддим, ҳикмат экан ҳар бир сўзингиз,  
Ҳар бир лаҳзангизга нидо бўлмадим.

Карвон кўчиб борар, шам ўчиб борар,  
Маъно кўзингизда, маъно бўлмадим.

Қарзим бўғзимгача, Ишқим ўзгача,  
Не бахт, меҳрингиздан жудо бўлмадим.

16.02.2005





Булоқларга тушган сояни қучдим,  
Сўнгра асл дардим устивор бўлди.  
Ҳар кун ўзим билан ўзим урушдим  
Нодонлар эртаю кеч устимдан қулди.

Дилим хасталигин англадим наҳот?!  
Чиллага кирганимда турналар учди.  
Менинг халоскорим бўлмадинг, ҳаёт,  
Охири ишқим ёруғ ўлимга тушди...

Олислардан келди Мусибатнома -  
Қақнус сайроғини тинглаган гулруҳ.  
Асло дийдорингга тўймадим, Она,  
Ҳолбуки, дуонг билан кўкартирдим туғ!..

15.11.2006

## ЎЗИМИЗ ВА ЎЗГАЛАР

1. Ўзимиз ҳурмат қилмасак ўзимизни,  
Ўзимиз ишонмасак ўзимизга,  
Ўзимиз ўзимизни севмасак,  
Ўзимиз йўл танламасак ўзимизга,  
Ўзимизнинг йўлдан юрмасак ўзимиз,  
Ўзимизга азоб бермасак ўзимиз,  
Ўзимиз ўзимизни севинтирмасак,  
Ўзимиз ўзимизга сўз бера олмасак,  
Ўзимизни тинглай олмасак ўзимиз,  
Ўзимиз ўзимизга ҳукмрон бўлмасак,  
Ўзимиз ўзимизга қуллик қилмасак,  
Ўзимизни тушунмасак ўзимиз,  
Ўзимизни тушунтира олмасак ўзимиз,  
Ўзимизга рост демасак ўзимиз,  
Ўзимиз ўзимизни алдай олмасак,  
Ўзимизга қурбон қилмасак ўзимизни,  
Ўзимиз ўзимизга ҳаёт бермасак,

Ўзимиз ўзимизга демасак салом,  
Ўзимиз ўзимизга айтмасак видо,  
Ўзимиз ўзимизга тутмасак Калом,  
Ўзимиз ўзимиз-чун қилмасак ниДО...

2. Ўзгалар ўзгаларга отар кўнглимиз,  
Ўзгалар ўзгалардан сўрар: - Биз киммиз?  
Ўзгалар ўзгаларни қутлар: - Ҳеч киммиз!  
Ўзгалар ўзгалар деб тўқар хунимиз.  
Ўзгалар ўзга ер деб Она-Еримиз  
Ўзгалар ўзгаларни бошлаб келади,  
Ўзгалар ўзгаларга дала-қиримиз  
Ўзгадан ўзгачароқ мерос қилади.  
Ўзгалар ўзгаларни этади подшоҳ,  
Ўзганинг юрагини юрак ўрнига,  
Ўзгалар ўзгаларни этадир байроқ,  
Тушамиз ўзгаларнинг тўрига.  
Ўзгалар ўзгачароқ ишқни мақтайди.  
Ўзгадан ўзгачароқ ўзгарар тухмат.  
Ўзгалар ўзгаларни тинмай алқайди,  
Ўзга деб ўзимиз-ла бахтсизлик улфат.  
Ўзгалар ўзгаларнинг ўтмас болтасин,  
Ўзга қотил қолиб ўзга тутади,  
Ўзгалар ўзгаларнинг ўғай отасин  
Ўзимиз карахт уйда кутади.  
Ўзгалар ўзгаларчун ёкса тугимиз  
Ўзгалар фойдасига ҳар бир онимиз,  
Ўзгалар ўзгаларча титса руҳимиз  
Ўзгалар ўзгалар деб олар жонимиз...

3. Ҳар замон ўламиз, қачон биламиз?  
Дард кўзгалар қарздан-да тубан!  
Биз қачон келамиз, қачон куламиз?  
Қаёққа борамиз ёруғ юз билан?..  
Ўзимиз гар Ўзин севмасак!..



1999

## ИЙМОН

Барибир тўхтамасман, кўтар кўзимни,  
Мўминлик даъвосида неча кун бедор  
Маъносини очгин дардли сўзимни!  
У жуда ҳам салим, мен эса бемор...  
Худойим! Юрагимга тикла туғингни!

Тавба қилиб, гуноҳ қилдим неча бор,  
Бу банданг неча марта ўлмасдан ўлди.  
Қайта ҳаёт берар бетимсол Ғаффор.  
Фақат Сенинг васлинг экан жон йўли.  
Худойим! Юрагимга тикла туғингни!

Чувалчангдай бўлмай тонглардан ошдим,  
Субҳ исиди Сенинг ёдинг бор эди.  
Дунё севгисиди айланди бошим,  
Менга ўшанда ҳам меҳринг ёр эди!  
Худойим! Юрагимга тикла туғингни!

Нима қилдим энди? Имдод эт Ҳабиб!  
Нафсим ҳар лаҳзада ясайди тузоқ.  
Менга ундан ортиқ йўқ жоҳил рақиб...  
Иблисни этгин мендан жуда ҳам узоқ.  
Худойим! Юрагимга тикла туғингни!

01.01.2006

## САФАР

Журмдан озод эт, хайриобод кун  
Сенга етгунимча кетиб бораман.  
Ўзинг барбод этдинг, ўзинг бунёд эт  
Жунун водийсига бўлмадим нойил.  
Менинг кузим сароб, баҳорим сароб  
Дунёдан бўш қалб-ла ўтиб бораман.  
Оқилу орифга тахт йўқ аркингда  
Айбим не, бир хаста эмасман мойил...

Журмдан озод эт, хайриобод кун  
Сенга етгунимча кечиб бораман.

Сахролар қатқалоқ, тоғлар ошдим мен  
Ўркачи ялтироқ, доғи ичинда.  
Қанотли, қанотсиз наво кўринди,  
Беҳуда ҳовлиқдим, беҳис тошдим мен.  
Теграси Карбало, боғи ичинда  
Иблис диёрида ҳаво кўринди...  
Сени излаюрман, сени соғиндим  
Менга талпинган дил кутиб бораман.  
Ҳали очилмаган, инжу сочмаган  
Хушанбар гулимни тутиб бораман.

Йўлимда ўнг келмас кўзлар уюми  
Сўз ташлаб, бўз ёлса, кўнгил ториқди.  
Арзон ва жайдари ваъда қуюни –  
Ёлғоннинг лашкари олди борлиқни.  
Ёрлиқни кўтариб кўнгил ёраман,  
Тушлари жаннатга кетганлар айтсин.  
Азалдан абадга етган дордаман,  
Тамуқнинг оғзидан турналар қайтсин...  
Англадим. Сен наҳот сўнгги чорасан,  
Хунимни томчилаб ютиб бораман.

Қайда ўзинг ёққан абадий чироқ?  
Шамси-анвори йўқ юрт кўрдим нечун?  
Тилимни кесдию, йўқолди чақмоқ  
Энди шаккоқлардан ким олар ўчим?  
Хаёл нигоҳида сузар пулсирот,  
Хаёл нигоҳида шаффоф ҳараминг.  
Муслим гуноҳкорга кўрсат илтифот  
Адашган бечорага билдир караминг.  
Шунча сабот этдим, қани эт ҳаёт!  
Ёзнинг зулматига чиқиб бораман...

*2003 май - декабр*

## ТЕРАН ҒАМ

Теран бир ғамга ботдим,  
Бу ғамсиз бир дамим йўқдир.  
Ўзим-ку оҳ... карахт ҳолда  
Ёру дўстларни уйғотдим...  
Хаёлим тотлидан-тотли...

Учиб чиқгим келур тоғлар  
Ҳамонки ўлтириб чоҳда.  
Тушибман на гўзал роҳга  
Ҳуру филмон қани, бошланг!  
Менинг ишқим Аллоҳда.

23.09.2005

\* \* \*

Нафс йиғлатди, нафсим йиғлатди,  
Мана менинг дардим иллоти...  
Нега жимсан исмим - миллатим,  
Мана менинг қалбим иллоти!

Уйғонурман диним ҳурмати,  
Қалбга берди иймон журъатни.  
Улоқтирсам бўлар ғурбатни!  
Соғай энди жоним иллоти!..

Нафс йиғлатди, нафсим йиғлатди!...

02.07.2006



## АБДУЛАЗИЗ ҚОРИ ОТА

Ямоқ кийимимни яхши кўраман,  
Ўткан кунларимни айлар қадрли.  
Энг оғир юк - Қуръонни кўтараман,  
Болалигим баҳорлари абри...

Синовлар солди бошга даҳрий тузум,  
Вайрона Андижону Хўжаобод.  
Бухоро ер устимас, ер остида,  
Тириклай қори кўмди даштлар, хайҳот.

Ҳижратим бўлди менинг уйғур юрти,  
Ёшлигим ҳисобчиси кўҳна Қашқар.  
Одамни енгиб бўлмас, иймон бутун,  
Юрагим нурга тўлди жисмим қақшаб.

Ҳасрату надоматлар қилманг, дўстлар,  
Мўминнинг кўнгил уйи обод бўлсин!  
Ўзгани надоматлар қилманг дўстлар,  
Гўзал хулқ ҳар лаҳзада ҳаёт бўлсин!

*2006, 21-22 декабр*

## ДУО

Жаҳаннамдан тўсгувчи қил!  
Жаннатларда ўсгувчи қил!  
Жоҳилларга хор айлама!  
Жоҳилларга ёр айлама!  
Ҳусни хулқдан давлат бергин!  
Тақво отлиқ савлат бергин!

Нолакор эт, тавбакор эт!  
Энг аввало хокисор эт!  
Жонга эссин тоза ҳаво,  
Қалбга, қалбга етказ даво.  
Нафсга бандалиқдан сақла!  
Лаънатлама! Ёқла! Оқла!  
На саодат ўлдирмоқ дев,

Севдир Ўзинг! Ҳам Ўзинг сев!  
Ўзинг Тоҳир, Ўзинг Собур!  
Ўзинг Раҳмон, Ўзинг Ғофур!  
Ўзинг Ботин! Ўзинг Зоҳир!  
Ўзинг Аввал! Ўзинг Охир!  
Жаҳаннамдан тўсгувчи қил!  
Жаннатларда ўсгувчи қил!

20.12.2006

## ОЛТИН ДОҒ

Нигоҳингга олтин доғ тушди,  
Тонг уйғонди - кимё саодат.  
Ёлворасан, сен ўғилкушни,  
Соғинади гўзал ҳалокат.

Тегранг гуллар қурган адоват,  
Яқин чоҳдан сесканмай қўйдинг.  
На бир сир бор, на бир аломат,  
Кимни суйдинг, кимни ўлдирдинг?

Базмлардан гунглигинг безди,  
Безди сендан аъроф чўллари.  
Машъум туйғу ожиздай сезди,  
Ўнгни тан олмайди сўлларинг.

Кўлмак теграсида елади  
Жон йўлини яширган армон.  
Сени ҳамон йўқ деб билади  
Замон, замон, яна бир замон...



## АРОСАТ

Хушу билан тирикчилик чалғитди тинмай,  
Кун яқиндир, гуноҳ яқин ул кундан кўра.  
Ҳидоятнинг кавкабида ҳазин, дудуқ най,  
Ҳабиб излар, журму исён бўлгудек жура,  
Ҳақдан кўра, Ҳақдан кўра нимадир имлар...

Одам ўша, Ҳавво ўша, ўшадир мавлуд,  
Янги-янги ранги рангсиз сароб жимирлар.  
Ишғол этди ерни қавми, ўзи унут Лут,  
Жазо бекор, номус анқо, ғозий имиллар,  
Оқдан кўра доғ таққанлар кўтарган байроқ.

Бўғизланган зариф ишқнинг руҳида ёлқин,  
Истиффордан нажот йўқдай очилган рўза.  
Иймонини замониға пуллади оқин,  
Керилади дилни сўқир этиб сивизға -  
Сўздан кўра маънолироқ бешакл имло...

Иблис кўнгил Ҳаққа қарши очганми уруш?  
Ҳар шом офтоб эврилади ўғрибошиға,  
Хурриятнинг маҳзани бўш, давлати поймол,  
Ким ишонар тонггача тун ичган ёшимға,  
Шоҳдан кўра, номаълум қул беради фармон.

Хузу билан тирикчилик чалғитди тинмай,  
Ихлос билан кўзларимни боғлади жаллод.  
Аросатнинг қўлларидан сипқораман май,  
На хушёрман, на маст-аласт, азалми шундай?  
Ҳақдан кўра, Ҳақдан кўра нимадир имлар...

2001





\* \* \*

Жоним безовта...  
Ер қаърига тушгандай нолон  
Кўжларгача чиқади учиб,  
Титранади баҳорий новда,  
Ўтиб борар ёнидан карвон  
Нафас олмай яшайди чўчиб...

Эски дарди тирнайди гоҳо,  
Янги ғусса қонига ташна.  
Маҳрамига бўлган бевафо,  
Номаҳрамлар билан ул ошна,  
Жоним безовта...

03.03.2006

\* \* \*

Ҳар кеча изладим Қадр тунини  
Тонги гуноҳларим тушди ёдимга.  
Сен фақат тинглайсан менинг унимни,  
Сен фақат етасан менинг додимга.  
Ҳар кеча истадим Қадр тунини.

18.10.2006



Тонгда туриб фол очириниш  
учун кетди.  
Ўзигамас  
Онаси учун  
Нияти дардини изласин!  
(омийн)

Шомда қайтди уйига  
дебдираб  
Азобдан маст эди,  
Нукул қийқирарди қаҳрдан.  
Кейин бир муқаддас нигоҳни  
эслади.  
Йиғлади, йиғлади,  
Маст ҳолда муножот қиларди:  
Тутса Тангри қадаҳ тутсин.  
(омийн)

Ўсмир ўғлига термулиб уялди -  
Гуноҳи.  
Бунча тарбиясиз,  
Фориғ бўлмаскан гуссаси  
кўпайсин!  
(омийн)

Нафратланар ўзидан,  
Хатонинг бош бўғини деб  
ўзига қарар.  
Кўшк тиклади ўз ғазабидан,  
Ер билан яксон эт бу кўшкни.  
(омийн)

Жодугар кўз сеҳри  
Ўн йилни қаритди.  
Шу ўлатдан бошқа ҳеч вақо йўқ,  
Бир пайтлар овози бор эди ишқнинг

Ҳар қандай иштиёқдан юқори  
Гулнинг чехраси.  
Шу қатл ва мақтул ҳаққи  
Тирилтир! Тирилтир!  
(омийн)

Уни севадиган ожизлик  
Вафосиз бўл!  
Вафосиз!

## КҮНГИЛ

Ўзингдан ўзингни қаён ҳайдайсан?  
Сен қачон ўзингни аён айлайсан?  
Туғилгандан буён инсон сайлайсан,  
Қани, севган дилинг - филмон, найлайсан,  
Вале, кўрганингни ҳайвон, англайсан...  
Кўнгил, ким истайсан, ким истайсан ит?  
Кет, десам келмадинг, кел, десам эй, кет!

Ишқ деб ўйнаганинг рўёлар тўқди,  
Юлдузга эврилиб, қабрга чўқди,  
Сени гар алдади, номардлар букди,  
Фаришталар қарғаб, дўзахий сўқди:  
Қалайсан.  
Қалайсан.  
Қалайсан.  
Кўнгил, ким истайсан, кимга қарайсан?

Фикрингга нил тортилган, яна тиглайсан!  
Зикрингга ўқ отилган, нега ўлмайсан?  
Бўғзингга тонг тикилган, шомга сизмайсан,  
Кўнгил, ким истайсан, ким истайсан зор.  
Нега йўқ бўлмадинг, бўлмай туриб бор?!

Озурдажон аҳдлар қилганди нозинг,  
Баҳоринг баҳмал киймай, ўртанди ёзинг.  
Наҳот тийрамоҳдир ишонган қозинг?  
Ахир бир телбага етмади розинг!  
Кўнгил, ким истайсан, ким истайсан қул?  
Ярим дунё сағир, ярим дунё тул.

Кимда ҳаёнг қолди, кимда уятинг?  
Кимда сийратинг бор, кимда сувратинг...  
Мени хароб қилди сенинг ҳайратинг.  
Нечун тамуқ сари фақат ҳижратинг?  
Кўнгил, ким истайсан, ким истайсан, оҳ.  
Аллоҳ кимни истар, кимни истар моҳ?..

Ўзингдан ўзингни қаён ҳайдайсан?  
Сен қачон ўзингни аён айлайсан?

1999

### ЮРАК СИМ-СИМ ОҒРИР...

Юрак сим-сим оғрир, дунё қоронғу,  
Бир кўнгил изладинг сени тушунган.  
Юрак сим-сим оғрир, тутдилар оғу,  
Узилмай туриб ҳам кетдинг хушингдан.  
Айрилдинг етмасдан кўнгил қушингга.

О, одам изладинг, истадинг бекор,  
Қайдадир бемажол қулаган вафо.  
Сен кетиб борасан, яшайсан ночор,  
Йилларинг соврилган, умринг бесафо,  
Балки йўқдир меҳр, излайсан бекор.

Мордек судраласан, итдек инграйсан,  
Чаёндек чақади аталган дўст-ёр,  
Нега ўзинг билмай кун-тун тинмайсан?  
Сенчун ҳеч бўлмаса битта ОДАМ бор,  
Ҳар касни бўйлайсан, ул деб ўйлайсан.

Балки ака сенга, балкидир сингил,  
Онанг термулади оламлар оша.  
Тушингга киради энг чиройи гул  
Киндик қонинг томган қирлар рошида,  
Йиғлаб уйғонасан, қани, қайда ул?

Омадинг келмайди, йўлинг унмайди,  
Қасос олмоқликка етмайди сабот.  
Сени армон билар, мардон билмайди,  
Наҳот бир лаҳзали нажот йўқ, нажот...  
Ботирар чуқурроқ ханжарин ҳаёт!

2001

## СОҒИНДИМ

Одамман, айтинг нега ҳурни соғиндим?  
Теграм қуёшли-ку, нурни соғиндим!

Менда даъво йўқдир, даво қайда бор?  
Мусо эмасману Турни соғиндим.

Йўқ бўламан тилло, гавҳарга боқсам,  
Кўнгил тубидаги дурни соғиндим.

Кўрдим, ҳар лаҳзамдир Қиёмат-қойим  
Маҳшаргоҳда туриб, Сурни соғиндим.

Вафо вафо эмас, ҳайратни билмас,  
Одамман, вале нечун ҳурни соғиндим?..

2002, баҳор




## ДЕВОНА ОРЗУ

Ул хаёлнинг ёнидан ўтсанг,  
Уч кунгача димоғинг хушбўй.  
Ҳеч ким етмас ёқларга етсанг  
Таъқиб этар ўша нозли бўй.  
Ҳаёт сари қайтаман шунда  
Шалдиратиб хур аравамни.  
Дардсизларга ташийман кунда,  
Гумбирлатиб ғўр ноғорамни.  
Бунча учли ташламанг нигоҳ,  
Бунча ҳасад қилмангиз ҳаргиз.  
Биздан олдин бошланган гуноҳ,  
То қиёмат тўлар қарзимиз.  
Талпинаман шу боис сизга,  
Талпинаман девона, хунхор.  
Асло боқманг, қайрилманг бизга,  
Кўз ёради гулҳаё баҳор.  
Олов мисол ёқар кўнглимни  
Кунларимни қийнаган сўроқ.  
Сиздай тоза кўрсам синглимни,  
Сиздай опам бўлсайди қандоқ.  
Юрар йўлим билмайман гоҳи,  
Қилар ишим ундан-да баттар.  
Эзгилайди онамнинг оҳи,  
Тушларимга кирганда саҳар.  
Нима қилдим, нима қилмадим,  
Падаримнинг синиқ қаноти.  
Жуда ёлғиз, жуда ҳам ҳолсиз  
Бўрилар-ла кечар ҳаёти.  
Юрагимни яшарман ғашлаб,  
Кулфатимга қудратим ожиз.  
Мен дўстларни кетганман ташлаб,  
Қолдиришмас ёвларим ёлғиз.  
Сизни шунда дўсти-ёр дедим,  
Ўтмайдиган бир баҳор дедим.  
Кўнглимдаги лолага қаранг,  
Ҳали ҳеч ким тополмаган ранг.  
Ўтаяпман, ёниб, қон ютиб

Сиздай дили рухсорни кутиб,  
Балки шундай кетмасман ўтиб,  
Армонларим йўлга гул тутиб...  
Кечди йиллар дорига осиб,  
На ғам ошкор, на ҳаловат бор.  
Чумолига айланди розим,  
Ортда қолди мени кутган зор.  
Бу ҳақиқат, билиб турибман,  
Девонага таъна қилмас қор.  
Ўзим хоҳлаб бунда кирибман,  
Чиқолмасман энди-чи зинҳор.  
Йиғлоқининг нолиши эмас,  
Дарбадар ит камтар қайғуси.  
Тириклигим ғамини емас,  
Ҳасратимни бир кун сўйгуси.  
Бу ҳайратдан на фойда дейман,  
Ўлсам, ўн кун билмаса қишлоқ.  
Қайдан яна сизни ўйлайман.  
Боқийлардан бўлиб боқийроқ.  
Ҳаммасини отаман ортга  
Шалдиратиб ул аравамни.  
Чиқинг бир бор, ишонинг бахтга  
Тақирлатсам гўр ногорамни!..

1992



## ОҲУ

Неча ёшга кирдим, билмадим?  
Кўзларингни эслаб йиғладим.  
Дунёлардан келар сўрагим -  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон.

Қаҳ-қаҳ отиб кулди дунёси,  
Адаштириб кетди рўёси.  
Давлатимнинг сенсан подшоси  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон.

На қолди дил, на қолди садо,  
Мендан на бой, на чиқди гадо...  
Боламану бўлибман бобо  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон.

Тўппончамга жоним жойладим,  
Арқонингга бўйним бойладим,  
Бутун умр сени пойладим  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон.

Кечлар ётсам тўнғиб муз мисол,  
Саҳарларда салқин куз мисол.  
Маҳшаргоҳда қолдим висол  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон.

Йўқотганим ҳаддан зиёда  
Топганим Бир ёруғ дунёда,  
Ҳузурингга борай пиёда  
Оҳу, менинг орзумсан ҳамон!

Оҳу, менинг орзумсан ҳамон!

16.09.2006. Тавоқсой





\* \* \*

Гали-да, бир янги Лайли келибди,  
Ғуссамиз сафма-саф, сайли келибди.

Замонлар бир йўла ишқсиз қолмаса,  
Ишқ аҳли - телбалар хайли келибди.

Биз банда, ғул ичра ғулар солади,  
Ул малак хаёли, майли келибди.

Сўзи нур, кўкси дур, сен эса бир кўр  
Ўзи моҳ, кўзи чоҳ - чайли келибди.

Билмадик наслини одамми, парий,  
Ўр ерга гулузор, қайли келибди.

Забонсиз, дили оч този бўлармиз,  
Ул оҳу ё товус, зайли келибди.

Қирга чоп, чўққи қуч, гўшанга баҳор,  
Кўнгли ҳур, дарвиша райли келибди.

Эй Вафо, қалбингда яна бир ғулу  
Ҳозирлан, Масиҳо найли келибди.

*19.09.1999 - 21.11.2000*



## ЗУЛАЙҲО ДОҒИ


Эй чархи даввор,  
Қон бағримга нечун  
Нақш олма солдинг?  
Мендан кетди ҳабиб,  
Жонимга ошиқ табиб,  
Бемор, балога қолдинг.

Алвастидан ҳазар,  
Ҳур васлига назар,  
Кимда хаёлинг?  
Маҳшар қақшар маҳал  
Қонли шафақ - гўзал...  
Қайда уволинг?

Зулайҳо доғи ҳамон  
Қайси қул қолди омон?  
Мени-да қарога олдинг.  
Ой кусуф кеча армон,  
Ким Юсуф эмас, илон  
Нораво, нодир дийдор  
Арога солдинг.

Севдим, дема, този,  
Гул билан битди Ёзиқ,  
Баҳор видео-да толдинг.  
Фунча, малак нозни -  
Айтиб бўлмас розни -  
Беҳуда, бекор, сўнг бор  
Худога солдинг...

18.04.2002





Ағёр, кўзинг ботди ой ханжарига,  
Эй ёр, кўзинг тортди муҳлик жаридан.

Иймонимга ёдинг солди-ку ошуб,  
Ит хушидан кетди гул хабаридан.

Оразинг фикрат ери, хаёл манзили,  
Кўнгул баҳор ўлди сенинг дардингдан.

Руҳимни чормих этди шамс зимистони,  
Жоним қолмаса бас, моҳ назаридан.

Кўқда исминг анқир - юлдуз булоғи,  
Мен ботқоққа ботдим қалб гузарида.

Саваланган туйғум излар ўзини,  
Айшни топиш қайда ишқ дилбаридан?

Тилга қўнган қушлар тилсизу бежон,  
Дил ўрганса қани энди паридан.

Вафо, меърож туни сени эсламас,  
Эслаганлар келар тушлар қаъридан...

## МАРСИЯ

Тунлар ойдин эди, беқиёс эди,  
Кўзингдан кўзимга оқарди севги.  
Сени, фақат Сени хаёл сурардим,  
Ўзимдан ўзимча масрур юрардим.  
Шаффоф, тоза, асл ҳисларим эдинг,  
Ҳақнинг энг мардона сўзлари эдинг.  
Энди ойлаб, йиллаб қилолмайман ёд,  
Бутун борлиғимни ямлайди фарёд!

14.02.2005

## ПАРИЗОД

Ботинимда тун бор...  
Ерга тушган юлдуз билан  
Елкадош...  
Руҳимнинг бўриси изғиган  
Сўқмоқда  
Жодутарнинг ҳузурига  
Кетиб борар паризод...

Ботинимда тун бор...  
Мен занжирбанд хаёл гориди,  
Қоронғудан таскин тўқийман,  
Кимсасиз уй - зангламаган қиличим  
Девлар билан аҳбоб тутиниб  
Сулаймоннинг кўзасини излайди...

Ботинимда тун бор...  
Фор оғзидан ўтади сўқмоқ,  
Сўзлар мени яширар ҳурдан,  
Олдинда бор ит теккан булоқ,  
Тийра  
Фарзанд орттирган нурдан.

Ботинимда тун бор...  
Асир олган гулни иштиёқ,  
У-зу-н-н умри бездирар капалакни,  
Янги чиққан ойда эски доғ,  
Осмон - қора денгиз, шовулар.

Ботинимда тун бор...  
Сиёҳ саҳро ўлан-тўшаги,  
Жонимнинг тушлари ёлборар:  
Борма жодутарнинг олдига,  
Менинг ҳам кўнглимга қарама,  
Икки лаҳза жонон ёруғлик -  
Паризод,  
Паризод!..

## ҚИРҚ ҒШИМ

Қирқ ғшим сийлади...  
Руҳим синиқ, юрагим яра.  
Дардимни эшитар саҳро йўқ,  
Иблис билан эканман жўра!  
Берган заҳаридан кўнгли тўқ!  
Дўстим йўқ, дўстим йўқ, дўстим йўқ...

Қирқ ғшим элади...  
Тушиб кетди элақдан осмон.  
Адашдимми куюқ туманда,  
Қуръон ўқир фаришта хуфтон,  
Ҳарф танимас мен қора қарға -  
Ишқим йўқ, ишқим йўқ, ишқим йўқ...

Қирқ ғшим йиғлади...  
Онагинам йўл қарар ҳамон,  
Айрилиқдан титилган қалби.  
Санамасман ўзимни инсон,  
Кўрмайдилар чумоли каби.  
Меҳрим йўқ, меҳрим йўқ, меҳрим йўқ...

Қирқ ғшим билади...  
Хиёнатнинг ханжари омон,  
Ва тоабад дилим тилади  
Садоқатни кўзга илмади...  
Муҳаббатни қатл этган армон.  
Қаҳрим йўқ, қаҳрим йўқ, қаҳрим йўқ...

Қирқ ғшим чидади...  
Ташлаб кетди орим ҳаяжон,  
Армонимнинг жони қақшади.  
Пулга сажда қилади замон,  
Қўрқоқ, хасис менда яшади -  
Кўнглим йўқ, кўнглим йўқ, кўнглим йўқ...

Қирқ ғшим кулади...  
Илма-тешиқ хотира музтар.

Жинлар чалган хаёлим мажнун.  
Хайр демоқ интиқом қўзғар,  
Салом бермоқ этади маҳкум!  
Қайғум йўқ, қайғум йўқ, қайғум йўқ...

Қирқ ёшим қулади...  
Жарларга бор, ноумид шайтон  
Форларга кир, топилар маъни.  
Идрок ўсал, ирода бежон  
Самоларга чўктир кемани!  
Ўлим йўқ, ўлим йўқ, ўлим йўқ!

2003

\* \* \*

Бир умид топсанг топилинг гунг-гаранг дунё аро,  
Бўлмаса кетгунг йитиб яп-яланг сәхро аро.

Ишққа жон шавқини бер, жонга ишқ мавлудини,  
Оқ, ҳабиб, чўкма фақат ранго-ранг дарё аро.

Қай замон, қайси макон, маҳлиё этса малак,  
Севгину айла ниҳон, ҳангу манг гавго аро.

Ўқ сўзи, ҳурми ўзи, билмади қанча юрак,  
Банда бўл, хурсан ишон, амри Ҳақ маъно аро.

Тил учун эрмас Калом, дил учун мангу мақом,  
Нафсни ур, ол интиқом, ҳоли танг даъво аро.

Ҳаммада ҳар хил талаб, жонига ўтлар қалаб,  
Мўминнинг бахти абад борса жанг тарсо аро.

Эй Вафо, қайдин кўнгилга бунчалик савдо дема,  
Бер савол, йўқдир жавоб, минг наҳанг яғмо аро.

Бир умид топсанг топилинг...  
гунг-гаранг дунё аро...

2002, феврал

## ЖОН ИСИ

Турналарни кўрдим, кўрдим баҳорни,  
Ташрифингни қандай айлайин баён?  
Гўё Ҳақ йўқлаган каби беморни,  
Боқий ёшлигига қайтмоқда замон.

Гуллар, чечаклардан жон иси келди,  
Олтин адирларга йўл солди кўнгил.  
Абри найсонларнинг юриши бўлди,  
Мажнун шоирларнинг малиги булбул.

Дардга лим-лим дунё бахтга ҳам тўлди,  
Беҳишт боғларида кезар капалак.  
Замин ифоридан мастона кулди  
Аршнинг курсисини кўтарган малак.

Мен ҳам бир бандаман, ҳур ният қилдим:  
Залолатга ботма, баҳор олами.  
Ҳалокатдан қутул мардона, бедил,  
Ишқ-ла мунаққаш эт дашту далани!

07.04.2002

\* \* \*

Лолалар терганим тушмиди,  
Кўқдаги юракми, қушмиди,  
Ё бўлса учгани ҳушмиди?  
Болалигим, болалигим, болалигим...

Ям-яшил олашим, қайт бир зум,  
Қайтмасанг, алвидо айт, умрим,  
Наҳотки, сен - ўша, мен - ўзим...  
Болалигим, болалигим, болалигим...

Тошларга термулиб тошмайман,  
Қирлардан қирларга ошмайман,  
Қалбингга кимларни бошлай ман...  
Болалигим, болалигим, болалигим...

Навбахор изларинг изладим,  
Беғубор орзулар кўзладим.  
Йўл босдим, топмадим, бўзладим...  
Болалигим, болалигим, болалигим...

## АРМОНСИЗ БУЛБУЛ

### *Ёш шоирга*

Бедоғ умрим ўтиб, Тоғларга етдим,  
Мен армонсиз булбул, хазонсиз баҳор!  
Гуллар ўксимаган кунларда битдим,  
Фусса мендан қочди, ҳурқди мендан зор.  
Йўлсиз умрим хайр, ўзимни англай!  
Бебок шаҳидлар-ла келар Навоий!..  
Кўз очиб, кўзи юмуқ яшабман қандай?  
Бетон ғордан чиқди сўнгги Ёввойи.  
Дилранг - яшил, сариқ, сурх наво ўрлар,  
Чўққидан чўққига хатлайди руҳим.  
Мен тўймадим сизга гизли чўққилар,  
Менга термулади тўймасдан ўлим.  
Букригина қирлар қобирғасида  
Чипор илон билан ўйнар бинафша.  
Машаллох, Худовандо, елади садо:  
- Яшасанг, фақатгина уйғониб яша!  
Юпун саҳройининг хунук чечаги,  
Сенга интиламан айтмасдан алёр.  
Қайғу эртаники, севинч кечаги,  
Бошимни чақмоқ узса, эдим бахтиёр.  
Қоялар тепасида айланган бургут  
Нафсоний махлуқларни кўрар энг тубан.  
Одамнинг дарди юксак - арабми, жуҳуд,  
Итқитсанг омон қолгум ғам-ғуссам билан!..  
Шамол олдга солиб қувар риёни,  
Теграмда ивирсийди ғўр, қора абр.  
Машрабнинг умматиман, соя дунёни,  
Йўқот кўзларимдан, менга нур зарур!



Тонгнинг елкасидан сув ичар асрор,  
Гулнинг иддизи бор дилимда мани.  
Жуда ҳам раҳмлидир, жуда ҳам Қаҳҳор,  
Куздан баҳор сари йўллаган мани.  
Кесилган бошлар ётар, сойликда тошлар -  
Қулади қоялардан энг ҳур армоним.  
Изланг, кунда топинг фикртарошлар,  
Барибир эрка, ойдин эрк қабристонни.  
Ёруғ мўл, умидвор ўл, руҳияти сил!  
Ой чўқар чўққи титрар Ёр ифориди -  
Бу нуқта кўқларга-ю заминга манзил  
Боқ! Мени йиллаб кутган кўнгили дорида...

Мен армонсиз булбул, хазонсиз баҳор...

1999

### БЕВАФО ДЎСТ

Умринг жўнми?  
Кўнглинг хунми?  
Йўлларимда йўлчи менга;  
Ўртанган кўз,  
Эзилган сўз,  
Бевафо дўст,  
Бевафо дўст  
Қўлларини силкири менга...

Пистоқи боғ сарғарибди:  
Боғсиз дара,  
Гулсиз яра,  
Булбуллар ҳам кетиб бўлди,  
Булбул жўра,  
Сендан йўрға,  
Меңдан йўрға  
Қарғалар ҳам етиб келди  
Қарға жўра.

Бу олам - бўз,  
Бу олам - сўз,

Тушунилар бахт сўзсиз!  
Эссиз, эссиз..  
Наҳот юзсиз  
Бевафо дўст,  
Йўлларимда йўлчи менга,  
Ўлмоқ бўлиб,  
Тирилмоқ бўлиб  
Қўлларини силкир менга...

Сен на рақиб, қасд қилмайсан!  
Сен на ҳабиб, дўст бўлмайсан!  
Тонг йиғлайман, шом йиғлайсан,  
Кўнглимдан ҳам ҳеч чиқмайсан.  
Кўнглимдан ҳам ҳеч чиқмайсан..  
Қатли дорсиз,  
Қалби орсиз  
Йўлларимда йўлчи менга,  
Қўлларини силкир менга...

Бемор бедор борар эдик,  
Фаришталар учраштирди орзуларни.  
Афиф доғ бор кўчаларнинг чангишида,  
Ўзим етмас чўққиларда гангишим-ла  
Хато қилдим,  
Адо бўлдим..  
Олам сўзсиз,  
Олам кўзсиз  
Алам бўзсиз,  
Бевафо дўст,  
Бевафо дўст  
Йўлларимда йўлчи менга  
Қўлларингни силки менга!!!

11.10.2005



## ХИЁНАТ

Бунча кўп қилдим хиёнат  
Мен нечун ичган тузимга,  
Сўнг йиғлаб эдим ибодат,  
Йўқ умрим келди кўзимга.  
Кутдилар мендан диёнат  
Ишониб айтган сўзимга.  
Мен эса қилдим хиёнат,  
Ҳар сафар ёлғиз ўзимга.

02.12.2005

## ТУРНАЛАР ИЗИДА

Кетдим турналарнинг изидан  
Шамол уясида ёрни қолдириб.  
Афиф ғунчаларнинг қони қизиган...  
Ўзимдан сўзимни тондириб.

Тавба, юрагимни сўрайди очун,  
Тош асрига узанган ёдим.  
Одамови жийда ушлаган қамчи  
Кўнглингизга кирмаган додим.

Қайтаманми, билмадим ҳабиб,  
Ой тушида менинг ўрним бўш.  
Тонг отгунча Бухоро ғариб.

Кун ботгунча мендан айри ҳуш,  
Хайр энди оқ ғозли кўча,  
Зилзиласиз қулаган девор...

2001



• • •

Баҳор орзиқиш-ла кўз очди яна  
Шувит юзим мен ҳам Каъбага бурдим.  
Баҳорда баҳоройни унутмоқ анъана,  
Золим эдим, ҳам бўлдим мазлум.

Ўғлим чақиради: - Дада Китоб бер!  
Гулга термулишга вақтим йўқ.  
Ташқарида ҳикмат ҳаёт сир,  
Тотли машаққатдан тахтим йўқ.

Сурбет елпигичлар бунчалар чаққон,  
Хаёлим не истаса этади ваъда.  
Кўзида қалби турган ҳаёдир армон,  
Баҳорда уйғонмоқдан юрагим зада...

Намойишга чиққан жисмлар атри,  
Ҳар бири бир гўзални бўғади пинҳон.  
Исо Масих янглиғ Шоирнинг сатри  
Руҳимни тирилтирар: Баҳорга ишон .

Гул давралар ичра Сен йўқ - вафо йўқ!  
Гулгин хотирангни гулаб эслайман,  
Ҳали талъатингга кирмагандир суқ,  
Куним, менинг Куним, Сени излайман...

Бошсизлигинг чину ёрсизлигинг дин  
Зимистовни ташла! Кўкламга бошла!  
Ахир жуда яқин... Жуда ҳам мумкин  
Баҳорда яшамоқлик кўздаги ёш-ла!..

11.03.2006



## ҚИЗҒАЛДОҚ

Дунё кездим, севдим, ўртандим,  
Армонимнинг чеки йўқ ҳамон.  
Бу ҳаётга нега келгандим,  
Нега кетгум, билмасман, ишон.  
Сен ҳам бўлдинг менга бир жумбоқ,  
Қизғалдоғим, ёлғиз қизғалдоқ.

Дарбадарга қиш жуда азоб,  
Омадсизга тобутдир хазон.  
Нечун бергум нокаста ҳисоб,  
Нечун олгум пастлардан эҳсон?  
Мени қийнар минг битга сўроқ,  
Қизғалдоғим, жоним қизғалдоқ.

Дўст қидирдим, шаҳар ғор бўлди,  
Қишлоғимда қизарди юзим.  
Менга содиқ фақат мор бўлди,  
Ўзимни-ку ўлдирдим ўзим.  
Борган сари кетдинг-ку йироқ,  
Қизғалдоғим, бонум қизғалдоқ.

Айланади ер шари тинмай,  
Бахту иқбол кетди ёнимдан.  
Мен ҳам кетай зарра ўкинмай,  
Ёлғизлигим ўтди жонимдан.  
Топган жойинг бунчалар овлоқ,  
Қизғалдоғим, хоним қизғалдоқ.

Баҳор қизи, осмонга бошла!  
Камалакнинг дорларига ос.  
Зангори куй - уммонга ташла,  
Бедиллигим учун ол қасос!  
Сен бир гўзал, мен ҳақир ингроқ,  
Қизғалдоғим, жоним қизғалдоқ.

05.05.2002

Ёмғир тирилтирди кечадай юрагимни...  
 Кимларга борлигингни қолдириб кетдинг, Осмон.  
 Ой тортди, ер қирди доғланган суягимни,  
 Омонман, бормисан, деганим бари ёлгон!  
 Булутлар эркаламас бемадор курагимни...

Сахарлар ошно эди ошиқнинг ҳавасига,  
 Йўл ўнқир, қўл қисқа, руҳ тушқун севгим борар.  
 Нафасим қўшилганда дарёнинг нафасига  
 Ҳеч кимга айтмай туриб ҳабибим дилим ёрар...  
 Ҳей кўклам! Кузга ташлаб кетдинг бадар...

Тоабад бозорларни айланган тоза ҳаво  
 Адашган орзуимни пуллашга топмас имкон.  
 Бу бузуқ кўчаларда эзилиб кетган сабо  
 Бўғзида жони турган ишонар менга ҳамон...  
 Тоабад кўнгилларни ўргилар номсиз наво...

Айб сўнгсиз, Арш курсиси нолон титрар,  
 Бахтимни бахтсизлигим судраб ўтди.  
 Даҳри дун ўғай дилга қўлин силтар,  
 Кўнглимни вайрон кўрган кўнглим титди...  
 Тамуқдаги фаришта! Уфқ йўли қайга элтар?..

Ё Раббий! Олис кўрдим Сени Мендан...  
 Сени мендан олис қўйган қарға-қузғун.  
 Излаюрлар чўғни кулдан, тунни кундан,  
 Сўзни гундан. Сўз тиландим, бир СЎЗ Сендан.  
 Ё Раббано! Олис қўйдинг кимни кимдан?

Қай кишвар бу? Титраб-қақшаб тойғондимман,  
 Ўнлар макри, сўллар қаҳри эмас чорам...  
 Тўғри роҳнинг даҳшатида уйғондимман,  
 Кўз очади кўҳна олам,  
 Сўз очади янги нолам...

Ёмғир тирилтирди кечадай юрагимни...

23.11.2003

## ҚУШЧА

Бу қушча адирнинг мезбони  
Шивирлаб бўлади кайвони.  
Бир сўзни тополмай телбаман  
Бормикин қушчанинг армони?

Бу қушча адирнинг мезбони  
Икки қир ораси жаҳони.  
Сарсари тоғма-тоғ кезаман,  
Кўзимда беҳиштнинг шарори.

Бу қушча адирнинг мезбони  
Билмайди риёни, рўёни...  
Уялдим айбимни ёполмай,  
Балки мен малакнинг меҳмони.

Бу қушча адирнинг мезбони  
Ёлғизлаб қўймадинг Вафони.  
Хайр-эй, келдим-ку кетарман  
Қалбимда қушчанинг армони!..

2000

\* \* \*

Бинафша, Сен, Чўлпон руҳисан!  
Ҳар баҳор қирларда изғиган.  
Бинафша, Сен, Чўлпон руҳисан  
Йўқ, кечир, Шоирнинг қизисан  
Бинафша!

2000



## ШАРА-БАРАЧИ

Мен ҳам бу баҳорда шара-барачи,  
Тонгнинг хуржунига қуёш соламан.  
- Ҳув-ҳув, катта-кичик, йўлга қаранглар,  
Шиша ўрнида ҳам кўнгил оламан!

Ҳаёт ўша-ўша бедод доирачи  
Сўзлар кўпигидан бошлаган савдо.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, ўжар далачи  
Айбга буюрмайсан, бу эски ғавғо.

Кимдан аразлайсан, ошнам ниначи,  
Овлоқ адирларга сол-да расталар.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, телба гиначи,  
Катта тужжор - баҳор гуллар дасталар.

Сен ҳам бир корига энди яра-чи,  
Тонгдан оқшомгача изгишинг ўша.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, думбул яллаци  
Куй излашинг орда қулаган гўша.

Тақа кўрмаганлар номдор тақачи,  
Бақа ўлмаганлар даллолу гапдон.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, ташланг чақа-чи,  
Менга сизга бор умримни этаман эҳсон...

Қаёққа қарамайин нафснинг галаси,  
Шалдиरोқ аравамда гулдор ҳаяжон.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, қизлар сараси,  
Мендан ишқ олингиз, кўтара, арзон.

Ҳамон гўрсан, ўрсан, бир бор тала-чи,  
Дилларни босқин айлаб, шилиб чиқавер.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, мен бир алдамчи,  
Тўрвангдан ваъда олиб, ваъда тикавер!



Балиқ бўлолмадим, бўлай балиқчи,  
Ўлпончи бўлганим хўб тўлгунча ўпқон.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, нигоҳсиз овчи,  
Ҳақ деб йиғламайсан, нақд иста хушхон...

Ойга дам солиб бер, чиқар де пешин,  
Шамсни занжирлаб қўй, тўлгунча тўрва.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, қарғавой хешим,  
Зўрсан, дард орқалаб юрибман зўрға.

Мактублари бахмал, тушлар дараси,  
Дардларимни сарфлаб юрган бегойим.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, ишқим яраси,  
Сизга етармикан менинг хиргойим.

Бахтли бойчечаклар юпун ўтади,  
Шаҳардаги лак-лак қорунлар гариб.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, сизга тутуди  
Савр, бор-будини менга андалиб.

Чопма, қопма бироз кўзлари дарча  
Қоқиғулли йўллар хурсандмидир ҳеч.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, мен парча-парча,  
Бой бердим ҳаётимни, сизни топдим кеч.

Шундай камалакка қорама-қора  
Ситамзорда ҳаё уруғин кўрдим.  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, дарама-дара  
Олис орзуларни қақшатдим, кўрдим.

Майсани ямлаб ютган маъсума барра,  
Одамзот лаҳза ўтмай сенга солар лаб  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, шаъни ўртада,  
Сенда кўнгил қайда, менда қайда қалб.

Вақтнинг хуни лим-лим, неча бир ўра,  
Арафотда шайтон тошлар отади...  
- Ҳув-ҳув, шара-бара, ўкинма жўра,  
Гулинг кесакларни қучиб ётади.

Нима қилай энди, англаб бир қарра,  
Мени қачон билган бу руҳи очлар?  
- Хув-хув, шара-бара, анграймағ, қаранг,  
Бозорчи сингилларим, эҳ қалдирғочлар.

Хўрозқанд улашганим эмасми туйғу,  
Шарлар шиширади кўнгли чўғ кўклам.  
- Хув-хув, шара-бара, яна бир севги,  
Балки кулиб боқса тақдир сизга ҳам.

Дайди чиқдим нетай, мен ҳам умидвор,  
Яна кўнгиллариға умид соламан.  
- Хув-хув, шара-бара, дилға қаранглар,  
Бўлса зарра инсоф, лаҳза хотира!..

Мен ҳам бу баҳорда шара-барачи..


1997

\* \* \*

Оппоқ дала, руҳим орзиқди,  
Ҳеч нимадан камим йўқ... ишон!  
Покизалик кўмган борлиқни  
Лаҳзасида орзу ва армон.

На саодат англадим чиндан  
Кўнглим эриб, қорлар оқмоқда.  
Дунё мангу демагин менга  
Яшасам бас, битта чақмоқча.

29.01.2005



## ЎНИНЧИ ҚОР

Ўнинчи қор ерни олмади,  
Ёғса ҳамки тезкор, гупиллаб.  
Осмонда ҳам сира қолмади  
Баҳор эпкинига босиб лаб.

Яшилланди олам беҳадик,  
Бодомларнинг қизил қўллари.  
Кимнинг совчисидир билмадик,  
Ҳеч кимга етмади гуллари.

Ўнинчи қор ерни олмади,  
Ҳаволарда ёзиқ бисоти.  
Умримиздан нима қолади?  
Ўнинчи қор гўё исботи...

*03.02.2007*

## ИЛТИЖО

Қишни чўзу баҳорни тўхтат!  
Боқмай кетар текканда рухсат...

Чинқиради макрсиз бўрон,  
Теграсида ухлаган армон.

Фунчаларни идрок этаман,  
Гуллар билан бирга кетаман.

Мард, покиза уйғонган хилқат  
Баҳор билан бўлгим бор улфат.

Юрагимдан қорларни курат!  
Етар зулмат, етар мусибат.

Тўхтат Тангрим! Аёзни тўхтат!  
Баҳорга бер мардона рухсат!

*18.02.2006*

## ИБТИДО

Энди бошлангандай наҳорим мани,  
Жилмайиб забт этар баҳорим мани.

Дарёлар ёқалаб бодим елади,  
Аршнинг теграсида додим елади.

Ранго-ранг чақмоқни хўплаб яшайман,  
Видо сийратларин тўплаб яшайман.

Поклар, орасталар Аҳрорим мани,  
Раҳмдиллик қилар Қаҳҳорим мани.

Сирларимни элга этмасдан ошкор,  
Элнинг дардларини билдирар тақрор.

Яйрар касод бўлиб бозорим мани,  
Кутиб, телбаланар мозорим мани...

13.11.2006



## ЭСКИ ДАФТАР

Баҳор дафтарини варақлаб,  
Гуллар саралайман ишонсанг.  
Қуёш чиқиб келар чарақлаб,  
Нурдан ясаб олган тилло най.

Боқий оятларнинг адоси  
Замин - бобожоним тириди.  
Пистоқи майсалардан ридоси,  
Кўнгил фариштага эвриди.

Баҳор дафтарини варақлаб,  
Эзгин илдамлайди қарғавой.  
Чумчуқлар севинади чирқиллаб,  
Сайҳонга кетмоқдалар хойнаҳой.

Кўчага тушиб бордим бошланг,  
Зиёрат қилмоқчиман даламни.  
Кўзимда жаранглайди турфа ранг,  
Жуда ҳам соғиндим-ку онамни.

Баҳор дафтарини варақлаб...

01.03.2005



## ҲУКМДОР

Баҳор - наҳот шунча ҳурлигинг?!  
Ошкор этдинг барин бир кунда.  
Менинг телба, гўзал севгилим.  
Турналардай қайтдим сургундан.

Маъсумлигинг етмас додимга,  
Атиргуллар – қоним, порлади.  
Лаҳза чақмоқ урди ёдимга,  
Кўркли тоғлар жоним чорлади.

Қайда қолди афиф дурлигинг  
Кўнглим излаб толдим очунда,  
Олтин қамчи еган дулдулим -

Баҳор - шунча наҳот ҳурлигинг?!  
Барин ошкор этдинг бир кунда  
Менинг гўзал, телба севгилим...

*05.05.2002 - 04.01.2006*

## КЕТЯПМАН...

Бағрим тўзир, юрагим сезур,  
Энди мендан бахтли инсон йўқ,  
Кетяпман, юртимда кезур  
Муз, замҳарир, менинг кўнглим тўқ,  
Қайтган куним келади кўклам!

Саодатдан йиғладим бас, онг  
Кибрни от, ўтларга тушсин!  
Юрагимда отди қанча тонг,  
Кетяпман, ишим юришсин!  
Қайтган куним келади кўклам!

Дўст йўқотдим душмандан ортиқ,  
Душман топдим дўстдан карамли...  
Истаганинг қилавер тортиқ,  
Кетяпман орқалаб Ғамни...  
Қайтган куним келади кўклам!

*13.02.2006*

## ИККИ ТУШ

1. Отнинг ёлига ҳам оқ тушди,  
Юлдузни хуш кўрган отнинг ёлига.  
Юлдузнинг зулфига доғ тушди...
2. Жийда бутасининг тагидан ўтдим  
Тонготарга яқин.  
Энди кун бўйи мендан анқир телбалик -  
Айтмаслигим лозимлигин билсам-да  
Хиёнатни гуллайман.  
Амалдор кул кулгимни қистатар,  
Йиғлатар хаёлимда қолган хур.  
Узр...  
Мен айбдор эмасман  
Тонготарда жийданинг тагидан  
Ўтганди сўқмоқ...

1999

## АРАВА ОРТИДА

1. Итман, ўлигини кўрсатмайдиган,  
Улисам, оймомо боқмайди...
2. Ҳаммага ошқора, сенга эса сир,  
Кўнгилдан Иблисни севдинг, билмассан.  
Иймонли ғанимнинг нигоҳи диалир,  
Нафратхўр дўстларинг учун ўлгансан...
3. Баҳор - гуноҳимиз қочади,  
Кўнгилга нечанчи кирган Сиз,  
Ёз бизнинг қабримиз очади,  
Юзга солар ожизлигимиз.
4. Қувлик илми нораво,  
Сурлик илми беимло.  
Ё Обло! Ё Обло!
5. Ҳамма жим  
Даҳонинг ўлимин  
Кутмоқда бетиним!..

47

## ...КЕТДИ...

Юрагимнинг саҳросида чопдим яна,  
Шаҳид кетган лолаларни топдим яна,  
Ўз қалбимни ўз дардим-ла ёпдим яна,  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

Аёз урган гунчамидинг, ҳур малагим,  
Юрагимга мил тортди-ку камалагим,  
Тўнинг бошқа, кўнглинг бошқа капалагим...  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

Гунгсирадим, мўнгсирадим, ўлан қани?  
Қаҳратонда қасам ичган гулхан қани?  
Мингбор кутдим, бир сўрмадинг, ҳолим мани...  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

\* \* \*

Шамол елкалаган берган ваъдамни,  
Ўтган йилги ҳислар қирдан ошмоқда...  
Саҳронинг ўртасида менинг мадинам,  
Каъба ҳавоси бор ҳар бир қишлоқда.

Қалбга боссам дерман тиканзорларни,  
Субҳон қадаҳида ичким келди май.  
Найсон қамчиласин гулузорларни,  
Турна тўпларида кўринадир най.

Райҳон ифоридан боғлаган дурра,  
Туши ойдинларнинг кўргани келди.  
Кўнгли басир қулдай уйғондим, жўра,  
Ҳизр ҳабиб билди мен кўнгли силни.

Орзу меърожида қурдим чайламни,  
Рухим кетиб борар яшил бошмоқда.  
Шамол елкалаган берган ваъдамни,  
Ўтган йилги ҳислар қирдан ошмоқда.

14.04.2002



\*\*\*

Гуссамга йўқ бир эга,  
Йўқ менинг ҳаққим сенга.

Дев оҳор, хуррам озор,  
Сен учун тақвим нега?

Нур ичсам ҳурдил баҳор,  
Фул ечсам сенга, сенга...

Эгамас, Эга менга...

\*\*\*

Баҳор ҳам қариди  
Бир хил тушларим  
Туйғу йўқ...

Рангларнинг сараси қайрилмас  
Юракнинг эгаси кимсасиз  
Севги йўқ...

Яшамадим, кунлар ногирон,  
Юлдуздан қулайди хотира  
Уйқу йўқ!



## ГУССАНИНГ КУНДАЛИГИ

1. Ҳали тонг отмаганди  
Қиблага қарадим,  
Каъба кўринди.
2. Илтижомни қабул эт, Тангрим,  
Ойдинлик бер.
3. Ожизман,  
Залолат нафасим,  
Ҳалокат - атиргул очилди.
4. Шабнам — гуноҳимнинг атвори.
5. Илк сўзни айтмадим,  
Охиргисини кутма.
6. Ўйинқароқ ғояман  
Етти марта исми эврилган.
7. Кўрсат, йўрғалайвераман,  
Йўлдир тўрт тараф.  
Кўзларим ҳам қўлдир  
Ҳақиқатнинг кўзин ўйишга...
8. Севганимдан олиб бер гуссам,  
Туғ қиламан.
9. Энди йўлсизликнинг ўзи етмайди  
Ирода панд беришига ишонма.
10. Шундай бир миллатман,  
Севадир ажнабий имлони.  
Саксовулар саводсиз,  
Майсалар мубошир..!

\*\*\*

Зардоли дарахтининг устида  
Хат битади занглаган ҳуштак.  
Туйғум ўқиёлмас эски ёзувни -  
Болалик.

Пастга энган подага эргашади хотира,  
Чангларда тирилади овозим.  
Гарчи ҳеч ким тан олмаган нозимман,  
Барибир кечирмайди болалик,  
Мен кўнгилнинг хоин ўғлиман...

1999

\*\*\*

Гилос гулин кийди юрагим,  
Гилос гулли қайда куйлагинг?  
Мен бунда хор, сен унда забун,  
Керагинг йўқ, йўқдир керагим.  
Гилос гулли қайда юрагинг?  
Гилос гулин кийди юрагим!...

2003



*Ёг этмағи ғамған ўзга ҳеч кимса мени.*  
Жалолиддин Румий

Дилхун дунёларда мен ёлғиз эмас,  
Кўклар-да етмаган армоним бордир.  
Ориф ўтлоғини жунун менсимас,  
Юрак кабобига юрагим зордир...

Кўнглим ҳаққи кечиринг мени,  
Хуним бўйнингизда бўлмаса.  
Ўлим ҳаққи, кечиринг мени,  
Ўлим кўнглингизда бўлмаса...

Ҳаёт ҳур лолазор, бозору мозор,  
Менинг бор-йўқ айбим уни севганим.  
Бунёдларим - озор, азизларим - мор,  
Асал тиланмадим, заҳар эландим...

Интиламан инжиб, ишқимни ғажиб,  
Кўпирганим ёлғон, ўкинганим рост.  
Ҳамрозидан ранжиб рақс тушар ғамим,  
Қалқинганим ёлғон, тўкилганим рост.

Тақдир адаштирган сўқир ишқ ахтар,  
Куйди жодугарнинг жодусида маст.  
Сизни чўққи кутар, мени кутар жар,  
Фақат сукут этманг, фақат беринг сас!

Дилхун дунёларда мен ёлғиз эмас...

1999



## ТҮРТ ЙЎЛЛИ... ТУЙҒУЛАР

\* \* \*

Руҳимда бир алам сўнди -  
Мукаррам эди дардим,  
Мунаввар эди олам.  
Ҳолимдан болалигим кулди...

\* \* \*

Қулик қулай келгай, озода қийин,  
Ўлим бир лаҳзали, Қиёматда қийин.  
Ҳолимни хароб этди шубҳа дорига осиб,  
Мен бемор, дўстим саломатга қийин.

\* \* \*

Бахту иқбол истаб келдим дунёга,  
Ошналик қилгум йўқ қайғулар билан.  
Асло ёлғиз ташлаб қўйма саҳрода  
Давраларга қўшгин севгилар билан.

\* \* \*

Балки шундан чиқмайди уним,  
Ох, ўзимни ўзим қамадим.  
Энди асло келмайди куним,  
Мен оралиқ йўлни танладим!..

\* \* \*

Хаёл кўчасида югурдим,  
Жисмимга қарама!  
Руҳимни енгил эт!  
Яшашга улгурай...



\* \* \*

Кўчаларда маст-алас тўда,  
Мотам кунин қилади байрам.  
Соғиндим-ку мен сени жуда  
Руҳимдаги мусаффо кўклам!

07.11.2003

Москва

\* \* \*

Қадаҳи қизгалдоқ замонадасиз,  
Суруди кимники, таронадасиз...  
Айб этманг, авф этинг, нодон ғамгинман,  
Пайғамбар ёшида майхонадасиз.

\* \* \*

Кундуз ҳам, тунда ҳам мен билан Ёдинг,  
Бекор ўйлаганман етмайди додим.  
Шаффоф дурлар сочиб Каъбага етсам,  
Чиндан ҳосил бўлар асл муродим!

\* \* \*

Бир сўз бер, Аллоҳим! Айласин иншо  
То сўнгги дамгача очиб кўзимни!  
То сўнгги дамгача топайин ризо,  
То сўнгги дамгача таниб Ўзингни!

30.01.2005

\* \* \*

Кўнглим-ай чўмилди покиза ёшга,  
Бир пайтлар айланган эди у тошга.  
Наҳотки, наҳотки қайта туғилдим  
Душманним қолмади ўзимдан бошқа!..

15.08.2006



\* \* \*

Теракларнинг учларидан анҳор келади...  
Шомнинг алвон шафагидан наҳор келади!  
Ишқ келганда қорлар ёғди қадрим устига  
Мен кетгандан кейин албат Баҳор келади!..

*04.01.2006*

\* \* \*

Бошқаларга осон иш менга қийин,  
Бошқалар-чун йўқ ташвиш менга тайин.  
Ўзинг бир имдод қил ё жонимни ол,  
Дард кўп, дармон йўқ борган сайин...

*23.11.2005*

\* \* \*

Айб ўзимда! Журъатим етмас  
Ҳаракатда сабр қилмоққа.  
Шундан балким дил доғим кетмас,  
Дардим талпинади йироққа...

*12.03.2006*

\* \* \*

Мен нимадир демоқчи эдим...  
Афсус, қайтарибман сўзингни.  
Билганингни балки билдирдим,  
Ким такрорлар менинг сўзимни?

\* \* \*

Шундай донолар бор, кўзга илмайди,  
Филча дардинг билан эмассан пашша.  
Мен ҳам одамман-ку, тушун, биродар,  
Рухсат олганим йўқ сендан яшашга.

\* \* \*

Карвон кетиб қолди, нағмаси нолон,  
Эртани эгаллади кечаги ёлгон.  
Асру учқур ва хур орзулар қани?  
Ҳалол насибамиз наҳотки армон.

\* \* \*

Жанг бошлайман десам, синдирдинг қилич,  
Фуссани ардоқласам, йўладинг севинч.  
Илдиз отсам ерда, ойни кўрсатдинг,  
Кўкка кетмоққа ҳам қўймайсан-ку ҳеч...

\* \* \*

Ичим тўла армон, қай бирин айтай,  
Умрим балки ўтди орзуга етмай...  
Ҳозирча сўрама, омон бўлсам бас!  
Фақат тила сабр! Йўлимдан қайтмай.

\* \* \*

Дард айтмоқчи эдим, маддох бўлолмадим,  
Дарбадар кездим кўнгил, сайёҳ бўлолмадим.  
Тушларим сузиб юрар номаълум оламларни  
Тирикман, чақирди дўст, арвоҳ бўлолмадим...

\* \* \*

Ичимда дардим қолиб, хор этди мени,  
Неча девона-ю абгор этди мени.  
Ҳуда-беҳуда келиб бекор этди мени,  
Фақат айтганларим бор этди мени!



\* \* \*

Бағримни ўйдинг-ку яхшилик қилиб,  
Тилимни кесибсан бахшилик қилиб.  
Сендан бадар кетдим, васият битдим...  
Нимага эришдинг қаршилик қилиб?..

Қайтаман...

1. Масхарабоз аҳлига томошаман, найлайин?!
2. Тушлигим - тушкунлигим...
3. Қайтаман кечиккан турналар сафида!

\* \* \*


Мени танидингми лолақизғалдоқ?  
Томларнинг рошидан қўл силкиб қолдинг,  
Жигарингман десам, ишонма, синглим...

\* \* \*

Ҳаёт синовидан ўтган кунимни  
Эслолмайман, ҳарчанд уринмай нега?  
Худойим, баланд дорга осдинг руҳимни!..

\* \* \*

Филлар овланажак дарада  
Қайга кетяпсан чумоли?..



## МУНДАРИЖА

Ватан .....	3
Ватан унутмайди .....	4
Юртим .....	5
Меҳрибоним .....	7
Сайёҳга .....	8
Ота .....	8
"Булоқларга тушган..." .....	9
Ўзимиз ва ўзгалар .....	9
Иймон .....	11
Сафар .....	11
Теран ғам .....	13
"Нафс йиғлатди..." .....	13
Абдулазиз қори ота .....	14
Дуо .....	14
Олтин доғ .....	15
Аросат .....	16
"Жоним безовта..." .....	17
"Ҳар кеча изладим..." .....	17
"Тонгда туриб..." .....	18
Кўнгил .....	19
Юрак сис-сим оғрир... .....	20
Соғиндим .....	21
Девона орзу .....	22
Оху .....	24
"...Лайли келибди" .....	25
Зулайҳо доғи .....	26
"Авёр, кўзинг ботди..." .....	27
Марсия .....	27
Паризод .....	28
Қирқ ёшим .....	29
"Бир умид топсанг..." .....	30
Жон иси .....	31
"Лолалар терганим тушмиди..." .....	31
Армонсиз булбул .....	32
Бевафо дўст .....	33
Хиёнат .....	35
Турналар изида .....	35
"Баҳор орзиқиш-ла кўз очди..." .....	36

Қизғалдоқ .....	37
"Ёмғир тирилдирди..." .....	38
Қушча .....	39
"Бинафша..." .....	39
Шара-барачи .....	40
"Оппоқ дала..." .....	42
Ўнинчи қор .....	43
Илтижо .....	43
Ибтидо .....	44
Эски дафтар .....	45
Ҳукмдор .....	46
Кетяпман .....	46
Икки туш .....	47
Арава ортида .....	47
...Кетди... .....	48
"Шамол елкалаган ваъдамни..." .....	48
"Ғуссамга йўқ бир эга..." .....	49
"Баҳор ҳам қариди..." .....	49
Ғуссанинг кундалиги .....	50
"Зардоли дарахтининг устида..." .....	51
"Гилос гулин кийди юрагим..." .....	51
"Дилхун дунёларда мен ёлғиз эмас" .....	52
Тўрт йўлли ... туйғулар .....	53
Қайтаман .....	57

*Адабий-бадиий нашр*

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

**Жон йўли**

*Матн терувчи:*

**Раҳима Каримжон қизи**

*Мусаҳҳиҳа:*

**С.Туроб қизи**

*Дизайнер:*

**Ихтиёр Саид**

*Техник муҳаррир:*

**Мадина Абидова**

Босмахонага топширилди: 02.09.2008 йил.

Босишга рухсат этилди: 13.10.2008 йил.

Офсет босма, офсет қоғози.

Бичими: 60x84 / Ҳисоб-нашриёт табоғи: 3,3.

Босма табоғи: 3,75. Адади: 500 нусха.

85-бужуртма.

«Муҳаррир» нашриёти,

100128, Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-уй.